

Халдарчаева Г.С.

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

ОТАЖОНОВА Д.Б.

ТАРЖИМАНИНГ ОРТОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Монография

Тошкент-2023.

«Zebo prints»

УДК-80/81;821.0

КБК-80/84

О-75

Отажонова Д.Б. / Таржиманинг ортологик хусусиятлари./
Монография - Тошкент: «Zebo prints», 2023. – 132 bet.

Тақризчилар:

филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент М.Т.Қодирова
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент З.И.Санакулов

Мазкур монографияда таржимашунослик соҳасида бугунга қадар долзарб бўлиб келган ва ҳанузгача ўз ечимини тўлақонли топмаган ортологик аспектларнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилган. Шунингдек, бадиий таржима адабиётларидан лавҳалар ҳавола этилиб қиёслаб, чоғиштириб таҳлил қилинган.

Монография олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар, тадқиқотчилар ва шу соҳа бўйича илмий изланишлар олиб бораётган барча таржимашунос мутахассислар учун мўлжалланган.

ISBN 978-9910-9415-2-8

© Отажонова Д.Б., 2023

© «Zebo prints», 2023

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1 БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚИТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитиш касбий педагогик зарурат сифатида	8
1.2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг педагогик-психологик ҳамда методик йўналишлари	35
I боб юзасидан хулосалар	96
II БОБ. ТАЛАБАЛАРГА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ	98
2.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишга оид замонавий ёндашув ва хорижий тажрибалар	98
2.2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишни самарали ташкил этиш ва унинг сифатини аниқлаш усуллари	119
II боб юзасидан хулосалар	131
3.1. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг методикаси	133
3.2. Талабаларга креатив ёндашув асосида инглиз тили ўқитишнинг самарадорлиги	153
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	155
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	158
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Халқаро малака талабларига мос рақобатбардош педагог кадрлар тайёрлаш мазмуни ва илмий методик базасини мустаҳкамлаш, инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш, таълим тизимларининг интеграциялашуви тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи фаолият сифатида тан олинган. Инновацион таълим тизими бўлажак мутахассисларни креатив ёндашувлар асосида инглиз тили ўқитиш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан таълим соҳасида мутахассисларнинг креатив ёндашув асосида ўқитиш инновацияларни яратиш, янги билимларни яратувчи педагогик жараёнлар асосида когнитив ҳамда дивергент фикрлаш қобилиятни тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда рўй бераётган кескин ўзгаришлар тайёрланаётган мутахассис-кадрларга ҳам янгича ёндашувни талаб этмоқда. Жумладан, таълимни самарали ташкил этишнинг педагогик-психологик ҳамда методик омилларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилган. Бу борада рақобатбардош педагог кадрларни тайёрлашнинг мазмуни ва илмий-методик базасини ривожлантириш, таълим жараёнида ностандарт педагогик ечимларни ўзини - ўзи фаоллаштириш асосида ўзлаштириш, ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган мотивацияни ошириш бўйича илмий изланишлар муҳим ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларида талабаларга инглиз тили ўқитишнинг янгича